

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ҚИШЛОҚ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ
СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази

Тошкент – 2024

Қишлоқ ва озиқ-овқат соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 32 б.

Мазкур услубий қўлланма қишлоқ ва озиқ-овқат соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходимлари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар, давлат-хусусий шериклик шартномаларини тузиш ва амалга ошириш жараёнлари, лойиҳаларни молиялаштириш ва ҳимоя қилиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 йил

МУНДАРИЖА

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Давлат-хусусий шериклик (ДХШ)нинг тушунчаси ва аҳамияти.....	7
Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш босқичлари.....	13
Қишлоқ ва озиқ-овқат соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ўзига хос хусусиятлари	15
Иловалар.....	17
Ижтимоий тармоқдаги фойдали ҳаволалар.....	31

КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқатни ривожланиши йўлида барча соҳада кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 миллиард АҚШ долларидан ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми 510 миллион АҚШ долларидан ошди. Шу билан бирга, 2024-2030 йилларда 30 млрд АҚШ долларлик ДХШ лойиҳалари дастурини ишлаб чиқиш мўлжалланган.

Бу эса Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳаларида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланма қишлоқ ва озиқ-овқат соҳаларида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича асосий тушунчаларни, ҳуқуқий асосларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётни йўлга қўйишга қаратилган. Унда ДХШ лойиҳаларини бошлаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган босқичлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномаларнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда молиялаштириш манбалари каби масалалар қамраб олинади.

ДХШ лойиҳалари орқали қишлоқ ва озиқ-овқат соҳаларида иқтисодий барқарорликка эришиш, янги иш ўринларини яратиш, инновацияларни жорий қилиш ва хусусий сектор сармояларини жалб этиш имкониятлари очилади. Ушбу қўлланма ДХШ соҳасида билим ва кўникмаларни оширишга ёрдам беради ва амалиётда қўлланиладиган тавсияларни тақдим этади.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходимлари ва мутахассислар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК (ДХШ) ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг
“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг Президентининг
“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини
ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга
мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш
тўғрисида”ги фармони



Ўзбекистон Республикасининг Президентининг
“Давлат-хусусий шерикликни
ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал
базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги
чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори



Ўзбекистон Республикасининг Президентининг
“Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик
лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарори



Ўзбекистон Республикасининг Президентининг
“Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда
замонавий иссиқхона хўжалиklarини ташкил
қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори



Ўзбекистон Республикасининг Президентининг
“Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги
ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори



Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар
Маҳкамаси “Давлат-хусусий шериклик
лойиҳаларини амалга ошириш тартибини
такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК (ДХШ)НИНГ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

● ДХШнинг институционал асослар. ДХШнинг тушунчаси.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ)нинг **институционал** ҳамда **ҳуқуқий базаси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “**Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПҚ–3918-сон қарори билан белгиланди. Мазкур қарорда қуйидагилар тасдиқланди:

✓ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида **Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги** (*ҳозирги вақтда – Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти*) ташкил этилди ҳамда давлат-хусусий шериклик соҳасида **ягона давлат сиёсатини** юритиш бўйича **махсус ваколатли орган** этиб белгиланди;

✓ ДХШ лойиҳаларнинг амалга оширилиши, техник-иқтисодий ҳамда молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни уларнинг ташаббускорлари ва иштирокчиларидан **сўраб олиш ҳуқуқи** Агентликка берилди;

✓ Халқаро молия институтлари, донор-давлатлар, компаниялар ва банклар билан ҳамкорликни ўрнатиш орқали **хорижий инвестицияларни жалб қилиш**.



Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун 2019 йил 10 майда қабул қилиниб, давлат ҳокимияти органлари ҳамда хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги.



Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида **тенглиги**

давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг **шаффофлиги**

хусусий шерикни танлашдаги **баҳслашув** ва холислик

камситишга йўл қўймаслик

коррупцияга йўл қўймаслик

Давлат-хусусий шериклик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу соҳада давлатнинг асосий вазифаси – давлат ва хусусий сектор ўртасида **самарали ҳамкорликни** ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ва институционал шароитларни яратишдан иборат.

Давлат-хусусий шериклик соҳасини тартибга солишга масъул бўлган қуйидаги ваколатли давлат органлари мавжуд:

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;**
- **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;**
- **маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари.**



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
**ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ**



! **Маълумот учун:** Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 декабрдаги 1009-сон қарори билан ташкил қилиниб, ҳозирги вақтда Агентлик негизда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти** шаклида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

✔ давлат-хусусий шериклик соҳасида **ягона давлат сиёсати** амалга оширилишини таъминлайди;

✔ давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича давлат шеригини тайинлашда ноаниқлик юзага келган ҳолларда, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли органнинг тақдимномасига кўра **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** мажлисининг баённомасига биноан **давлат шеригини белгилайди**;

✔ давлат-хусусий шериклик соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

✔ умумий қиймати **ўн миллион** АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлайди;

✔ **Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини** юритиш тартибини белгилайди;

✔ давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун **тендер ғолибидан** ёки **тўғридан-тўғри** музокаралар иштирокчисидан ундириладиган **бир марталик тўлов миқдорини белгилайди**.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти** (*кейинги ўринларда – департамент*) мазкур соҳадаги ваколатли давлат орган бўлиб, қуйидаги ваколатларни қамраб олади:

→ давлат-хусусий шериклик соҳасидаги **давлат дастурларини ишлаб чиқиш** ва амалга оширишда иштирок этади;

→ давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда **идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлайди**;

→ давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда, шунингдек давлат-хусусий шериклик **лойиҳаларининг концепцияларини ишлаб чиқишда** вазирликларга, идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига **кўмаклашади**;

→ инвесторлар, халқаро молия ва донорлик ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, шунингдек давлат-хусусий шерикликнинг бошқа иштирокчилари билан **ҳамкорликни ташкил этади**;

→ аҳоли ва **тадбиркорлик субъектлари** томонидан берилган мурожаатлар (ариза, таклиф ва шикоят)ни тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга етказиш уларнинг ижро ҳолатини **тўлиқ назорат қилиш** имкониятларини беради.

→ давлат-хусусий шериклик соҳасида **услубий ҳужжатларни, қўлланмалар ва йўриқномаларни** тайёрлайди ва бошқалар.

Департаментнинг бошқа **вазифалари** ва **функциялари** билан танишиш учун **QR-кодни** сканерланг



Бу муҳим!

2019-2023 йиллар ҳамда 2024 йилнинг 1-чораги давомида умумий қиймати 17,6 млрд. АҚШ долларлик жами 1033 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари амалга оширилган.

Шу билан бирга, **маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари**:

▪ давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузилиши мумкин бўлган **ўз тасарруфидаги объектларни аниқлайди**;

▪ давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим асосида амалга оширилиши **мўлжалланаётган истиқболли лойиҳаларни, ер участкаларини** тегишли ҳудуднинг эҳтиёжларини ҳамда салоҳиятини инобатга олган ҳолда **ўрганади** ва **белгилайди**;

▪ тегишли ҳудуддаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга **тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлайди**, уларни бартараф этиш **чораларини кўради**;

▪ давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқ ер участкалари давлат шеригига аукцион ўтказмасдан **доимий фойдаланишга ажратилишини таъминлайди**.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари

Давлат шериги

Хусусий шерик

халқаро молия ва донорлик ташкилотлари

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш ва тайёрлаш ДХШ лойиҳасини ташаббус қилиш (давлат ёхуд хусусий ташаббускор томонидан), лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритишдан иборатдир. Мазкур жараёнлардан кейин лойиҳа танловга чиқарилади ва тарафлар ўртасида шартнома тузилади (*Қўлланманинг 1-шлова*).



Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни ва ахборотни ўз ичига олган ягона ахборот тизимидир (<https://www.pppda.uz/uz/>).

Бу муҳим!

Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғарма томонидан умумий қиймати 10 млн АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган ДХШ лойиҳалари бўйича консултантлар хизмати молиялаштирилади.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК (ДХШ) ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

“Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом

Давлат-хусусий шерикчилигини шакллантириш ва ривожлантириш кўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- қонунчиликни **таҳлил этиш**, ДХШни тартибга соладиган **қонунчиликни такомиллаштириш**, бунда энг яхши халқаро ва мамлакатимиздаги тажриба асосида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ДХШ тамойилларида узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишга Инвестиция танловларини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш;
- ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг илғор тажрибалари билан алмашиш **халқаро экспертларни жалб этиш**.

Таъкидлаш жоизки, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш ҳамда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида **Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.



“Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги ВМҚ-259-сон қарори билан тасдиқланган.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш босқичлари

Лойиҳани дастлабки баҳолаш

ДХШ лойиҳасини ташаббус қилиш

ДХШ лойиҳасининг концепциясини ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатини тайёрлаш

ДХШ лойиҳасининг концепциясини давлат/хусусий ташаббускори томонидан тайёрлаш

Давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказиш

Хусусий шерикни танлаш

Тендер ғолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш

ДХШ лойиҳасининг **намунавий концепцияси** билан танишиш учун **QR-кодни** сканерланг



Бу муҳим!

Давлат-хусусий шериклик ва инвестиция шартномалари шакллари бир-бирига ўхшаш бўлсада, уларнинг объекти, ваколатли органлари ва бошқа механизмлари фарқланади (Қўлланманинг 2-иловаси).

ҚИШЛОҚ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.


Кейинги йилларда мамлакатимиз **қишлоқ хўжалигини** ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.





Ўзбекистон Республикаси **қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси**да мазкур тармоқда қўшимча хизматларни кўрсатиш мақсадида давлат-хусусий шериклик моделини ривожлантириш белгиланган


Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 июндаги “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–227-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига** қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат-хусусий шериклик **механизмларини ташкил қилиш** ва ривожлантириш бўйича **таклифлар ишлаб чиқиш** белгиланган.

Шу муносат билан, мазкур соҳаларда қуйидагилар тавсия этилади:

 **Инфратузилмани** яхшилаш учун давлат-хусусий шерикликни кучайтириш – Давлат-хусусий шериклик шартномалари асосида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини (ирригация тизимлари, биолобораториялар ва ҳоказо) модернизация қилиш (*Қўлланманинг 1-иловасида биолобораторияни давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича намунавий шартнома келтирилган*);

 Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини **экспорт қилишни** қўллаб-қувватлаш – экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун **инвестицияларни** жалб қилиш ҳамда **халқаро стандартларга мос маҳсулотлар** ишлаб чиқариш мақсадида қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

 Давлат-хусусий шериклик асосида **ирригация тизимларини модернизация** қилиш ва янги **сув тежаш технологияларини** жорий қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

 **Маълумот учун:** Ҳозирги вақтда, pppda.uz ДХШ лойиҳалари реестрига кўра, агросаноат тармоғида фақатгина **6 та ДХШ лойиҳалари** амалга оширилмоқда.



Қайта ишлаш ва сақлаш соҳасида **давлат-хусусий шериклик** механизмларини такомиллаштиришга доир ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот, узум, гўшт, сут, ёғ ва дон маҳсулотларига бўлган ташқи бозор талабини ўрганиш ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар брендларини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлаш **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг** функциясидир.

БИОЛАБОРАТОРИЯНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЖИХАТДАН ҚАЙТА ЖИХОЗЛАШ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

_____ йил

__-сон

Шартнома
тузилган
жой

Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – давлат шериги деб юритилади) номидан (*Вазирликдан иш олиб борувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.*) бир томондан, (*Хусусий шерик бўлган тарафнинг номи*) (кейинги ўринларда – хусусий шерик деб юритилади) номидан (*Хусусий шерик бўлган тарафнинг номидан иш олиб борувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.*), Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом асосида ушбу шартномани туздилар.

I. Умумий қоидалар

1.1. (*Биолабораториянинг тўлиқ номи*) Шартноманинг объекти бўлиб, (*Биолабораториянинг манзили*) жойлашган ва умумий ер майдони ___ кв.м. ҳисобланади. Шартномага кадастр нусхаси илова қилинади.

1.2. Давлат-хусусий шериклик биолабораторияни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича жами шартноманинг режасига мувофиқ (*маблағ миқдори*) сўмни ташкил этади.

1.3. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг тарафлари – давлат шериги, хусусий шерик ҳисобланиб, мазкур шартномада кейинги ўринларда биргаликда “тарафлар” деб юритилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини молиялаштирувчи молиявий ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар ҳам давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг тарафлари бўлиши мумкин.

Давлат шериги томонидан ваколат берилган давлат корхоналари ва (ёки) ташкилотлар давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномага мувофиқ давлат шеригининг мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун давлат шериги тўлиқ жавобгар бўлади.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир неча ташкилотга топшириши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун хусусий шерик тўлиқ жавобгар бўлади.

Мазкур шартнома бўйича барча ҳуқуқларни ёки ҳуқуқларнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш, ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказётган Тараф мазкур шартнома бўйича мажбуриятларидан озод қилмайди.

1.4. Мазкур шартнома, жумладан унинг иловалари шартнома предметига нисбатан тарафлар ўртасидаги барча ёзма келишувлар, шартномалар ёки қарорларни бекор қилувчи ва улардан устун турувчи тўлиқ келишувни англатади. Мазкур шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у билан бир хил юридик кучга эгадир.

1.5. Мазкур шартноманинг барча қоидалари ва шартлари мажбурий характерга эга ҳамда Тарафларга ёки Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра уларнинг тегишли ҳуқуқ ва (ёки) мажбуриятлари берилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

II. Давлат-хусусий шериклик объектини ташкил этиш тартиби

2. Хусусий шерик (ДХШ) биолобораторияни (кейинги ўринларда – Объект) модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун умумий қиймати _____ сўм миқдорида молиялаштиради. Хусусий шерик томонидан объектнинг модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича бизнес режа ва техник топшириғи аниқ кўрсатиб Шартномага илова қиланади.

2.1. Хусусий шерик (ДХШ) объектнинг майдонида модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳага мувофиқ мажбуриятларни олади.

2.2. Хусусий шерик томонидан (ДХШ) Биолобораторияни давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб **3 (уч) ойдан** ошмаслиги керак.

2.3. Давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бажарилиши устидан ҳар олти ойда мониторинг ўтказиши ва у қай даражада бажарилганлигини ўрганади ва баҳолаб боради. Агар камчиликлар аниқланса уни бартараф этиш бўйича муддатини кўрсатган ҳолда хусусий шерикка талабнома юборади.

Биолоборатория тижорат банкларидан олинган кредитларга гаров таъминоти сифатида қабул қилинмайди.

2.4. Ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларни бажариш учун шартномада назарда тутилмаган қўшимча сарф-харажатлар юзага келган тақдирда, қўшимча сарф-харажатларнинг юзага келиш хавфини Хусусий шерик ўз зиммасига олади.

III. Давлат-хусусий шериклик объекти ёки хусусий шерик томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатининг

3.1. ДХШ майдонида амалга ошириладиган барча турдаги ишларни амалга оширилиши натижасида, ажратилган майдонларга ва атроф муҳитга зарар етказилмаслиги шарт.

IV. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

4.1. Шартноманинг амал қилиши (*Шартноманинг амал қилиш муддати бошланадиган санадан Шартноманинг амал қилиш муддати тугайдиган санагача*) давом этади.

Мазкур шартнома Тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва шартнома муддати тугагунга қадар ёки бекор қилинишига қадар мажбурий бўлиб қолади ва амал қилади.

Давлат шериги ерни Хусусий шерикга топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 10 (ўн) кун муддатда бириктириб беради

4.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини мазкур шартноманинг иловасида белгиланган муддатларда амалга оширади.

4.3. Хусусий шерик ҳар олти ойда шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилиши тўғрисида давлат шеригига ахборот ва ҳисобот тақдим этади.

4.4. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида ДХШ объекти фаолиятининг ихтисослигини ва йўналишини ўзгартириш қатъиян тақиқланади.

4.5. Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

4.6. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

V. Биолобораторияни давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби

5.1. Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартномаси доирасида амалга оширилган ишларнинг умумий қийматидан қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ тўлайди.

Хусусий шерик қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда тегишли солиқ ҳисоботларини солиқ органларига тақдим этади.

5.2. Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳаси учун қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари мавжуд бўлса, хусусий шерик мазкур имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолда хусусий шерик тегишли органларга имтиёзларни қўллаш учун зарур ҳужжатларни тақдим этади.

5.3. Шартномада коммунал ва асосий воситалардан фойдаланиш (ижарага олиш) тўловлари, шу жумладан амортизация ажратмалари (мавжуд бўлганда) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида тўлов назарда тўтилади.

5.4. Хусусий шерик солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашга масъул. Агар солиқларни тўлашда хатолар ёки кечикишлар юз берса, хусусий шерик қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

VI. Тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6.1. Давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бажарилиши устидан мониторингни ҳар олти ойда бир марта амалга оширади, зарур ҳолларда навбатдан ташқари мониторинг амалга ошириши мумкин;

хусусий шерикдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот сўраб олиш;

қонун ҳужжатларига ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш доирасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича хусусий шерик айби билан юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш;

шартнома шартлари хусусий шерик томонидан бузилган тақдирда, шартноманинг суд тартибда бекор қилинишини талаб қилиш;

шартномаларини ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

давлат шериги қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тўтилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (давлат шериги)нинг шартномада кўрсатилганидан бошқа ҳуқуқлари.

6.2. Давлат хусусий шериги қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва шартнома талабларига риоя этиш;

хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланаётган майдон билан танишиб чиқиш учун зарур шароитларни таъминлаш;

давлат мулки бўлган ер участкасини хусусий шерикка тасарруф қилиш ҳуқуқсиз эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланишга бериш;

хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил этилган ДХШ объектларини мавжуд имтиёزلардан фойдаланишини таъминлаш;

ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик тўғрисида тузилган шартномаларнинг кўчирма нусхаларини, шу жумладан шартномаларга доир иловаларни, ўзгартишларни ёки қўшимчаларни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома ёхуд тегишли ўзгартишлар ёки қўшимчалар имзоланган санадан эътиборан йигирма календарь кун ичида тақдим этиш;

шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

тузилган шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт;

қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (давлат шериги)нинг шартномада кўрсатилганидан бошқа мажбуриятлари.

6.3. Хусусий шерик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат шеригидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритишга;

фойда олиш ва уни эркин тасарруф этишга;

шартнома амал қиладиган муддатда фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган ер участкасига, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш;

давлат мулки бўлган ер майдонларини тасаруф қилиш ҳуқуқсиз эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланишга;

давлат шеригининг айби билан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш;
шартнома ва қонунларда билгиланган тартибларда кадрларни ишга қабул қилиш;

хусусий шерик қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Хусусий шерик бўлган тарафнинг шартномада кўрсатилганидан бошқа ҳуқуқлари.

6.4. Хусусий шерик қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

ДХШ ер майдонларини лойиҳалар ва талабларга мувофиқ келишилган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминланиши амалга оширади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва шартнома талабларига риоя этиши;

вақтинча фойдаланишга берилган ер участкаларидан берилган мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

вақтинча фойдаланишга берилган ер участкасида ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилмалар қурмаслик;

вақтинча фойдаланишга берилган ер участкасидаги мавжуд табиий ресурслар (тош, шағал, қум, тупроқ, туз ва бошқа)ларни бузмаслик ва сотмаслик;

ирригация-мелиорация шахобчаларини соз ҳолда сақлаш;

вақтинча фойдаланишга берилган ер участкасидан дарахтларни сақлаш ва кўпайтириш;

Объектнинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

тузилган шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Хусусий шерик бўлган тарафнинг шартномада кўрсатилганидан бошқа мажбуриятлари.

VII. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мажбуриятлар

7.1. Лойиҳа ва бизнес режа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун сарф харажатлари Хусусий шерик томонидан амалга оширилади.

VIII. Суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар

8.1. Томонлар хавф хатарларни инобатга олган ҳолда, суғурталашга зарурат бўлса, қонунчиликда белгиланга тартибда хусусий шерик ҳисобидан суғурталанади.

IX. Давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида хавф-хатарларни тақсимланиши

9.1. Шартнома бўйича мажбуриятларни ва қўшимча харажатларни бажармай қолиш хавфи шу жумладан шартнома бўйича белгиланган майдондаги мол-мулкни сақлаш, мулкка (табиатга) тасодифий зарар етказиши хавфини қоплаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади

9.2. Жиддий зарар етказувчи хавф хатарлар давлат шериги томонидан йўл қўйилса давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланади.

9.3. Тарафлар ўртасида хавф-хатарлар қуйидаги тартибда тақсимланади.

Давлат шериги қуйидаги хавф-хатарларни олади:

- Ер ажратиш ёки кўчириш билан боғлиқ хатарлар;
- Сув билан таъминлашда авария бўлиш ҳолатлари;
- Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган, м-н: археологик топилма, хавфли ҳудуд, ер ости табиий қазилмалар, лойиҳани ишлаб чиқишда келиб чиқадиган экологик хатар ва бошқалар;
- Лойиҳа шартномаи тузулганидан кейинги лойиҳага давлат шериги тарафидан киритиладиган ўзгаришлар;
- Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари;
- Бошқа хавф-хатарлар.

Хусусий шерик қуйидаги хавф-хатарларни олади:

- Лойиҳага тегишли хавф хатарлар;
- Молиявий хатарлар;
- Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар;
- Лойиҳа шартномаи тузулганидан кейинги лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан);
- Операцион хатарлар;
- Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ);
- Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар;
- Бошқа хавф-хатарлар.

Тарафларнинг умумий бўлган хавф-хатарлари:

- Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар;

- Солиқ билан боғлиқ хавф-хатарлар;
- Тарифларнинг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар;
- Талаб билан боғлиқ хатарлар.
- Бошқа хавф-хатарлар.

Х. Шартномага ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш тартиби

10.1. Агар қонун ҳужжатларида ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу шартномага қонунчилик ҳужжатларида ва шартномада белгиланган қўйидаги ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

- тарафларнинг ўзаро розилиги билан;
- суднинг ҳал қилув қарори бўйича.

бошқа тараф давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани жиддий равишда бузган тақдирда;

10.2. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани бажариш тўлиқ ёки қисман бир томонлама тарзда рад этилган тақдирда, бундай рад этишга қонунда ёки мазкур шартномада йўл қўйилса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик” тўғрисидаги қонундан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида давлат-хусусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартлари ёмонлаштира, мазкур шартнома тузилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида хусусий шерикка нисбатан шартномани тузиш санасида амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.3. Ушбу Шартномага киритилган барча ўзгартишлар қўшимча келишув тузиш йўли билан ёзма шаклда расмийлаштирилади ва ваколатли шахслар томонидан имзоланади.

10.4. Ушбу Шартнома қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:
 тарафларнинг ўзаро розилиги билан;
 хусусий шерик ўрнатилган тартибда суд томонидан банкрот деб топилса ёки унинг иш фаолияти тугатилса;

Хусусий ёки давлат шеригининг талаби бўйича – ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда;

10.5. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида

эса ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

10.6. Шартнома амал қилиш муддати тугагандан кейин тўхтатилади.

XI. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги

11.1. Давлат-хусусий шериклик шартномаи тарафлари шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганда шартномада ва қонунларда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

XII. Шартнома бўйича талабномалар билдириш

12.1. Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ДХШ шартномаи тарафи мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган тарафга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир.

Талабнома ёзма шаклда билдирилади.

талабнома билдирган тарафнинг ва талабнома билдирилаётган тарафнинг номи;

талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;

талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;

талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

арз қилувчининг талаблари;

талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби;

Талабнома ДХШ шартномаи тарафининг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

12.2. Ўзига талабнома билдирилган ДХШ шартномаи тарафи талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб ДХШ шартномаи тарафи раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.

12.3. Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек ДХШ шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам иқтисодий судга даъво аризаси бериши ҳамда суд қарорини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига кўра белгиланади.

XIII. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик

13.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, ушбу “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

13.2. Давлат-хусусий шериклик шартномаи шarti бўйича тарафларнинг ҳар бири олган мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, бажарилмаган ёки кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома бўйича бажарилмаган мажбурияти баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш муддатларини кечиктириб юбориш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

XIV. Етказилган зарарни тўлаш

14.1. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

XV. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги

15.1. Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

XVI. Давлат-хусусий шериклик шартномаи объектини қайтариш талаби ва тартиби

16.1. Давлат-хусусий шериклик шартномаи муддати тугагандан сўнг хусусий шерик 5 кунлик муддат ичида топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузади ва тартибга риоя қилган ҳолда ер майдонларини давлат шеригига қайтаради.

XVII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

17.1. ДХШ шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан суди томонидан кўриб чиқилади.

17.2. Тарафлар суд органларига мурожаат этишдан олдин эҳтимолий англашилмовчиликларни ўзаро музокаралар ўтказиш йўли билан кўриб чиқиш учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

XVIII. Яқуний қоидалар

18.1. Давлат шериги шартнома бўйича юзага келган камчиликлар, шунингдек лойиҳани амалга оширишда оғишлар туфайли, агарда бундай оғишлар иқтисодий асослангилган ва бажариш жадвалида йўл қўйилган ортда қолишларни ўрнини тўлдириш ва жарима санкцияларини тўлаш юзасидан ёзма қафолатлар мавжуд бўлган ҳолларда, бекор қилинмаслигини қафолатлайди.

18.2. Ўзининг жойлашган манзили ва реквизитларини ўзгартирган Тарафлар бошқа Тарафларни ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида ёзма равишда хабардор қилишга мажбур.

18.3. Мазкур шартнома Тарафлар ўртасида 2 (икки) нусхада ўзбек тилида, тарафларнинг ҳар бири учун биттадан нусхада имзоланади. Барча нусхалар бир хил юридик кучга эга.

Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

“ДАВЛАТ ШЕРИГИ”	“ХУСУСИЙ ШЕРИК”
Манзил:	Манзил:
Банк:	Банк:
Ҳ/Р:	Ҳ/Р:
СТИР:	СТИР:
Телефон:	Телефон:
_____ ИМЗО	_____ ИМЗО
Юрист:	Бош бухгалтер:
_____ ИМЗО	_____ ИМЗО

Инвестиция шартномаси	Давлат-хусусий шериклик
ВАКОЛАТЛИ ОРГАН	
Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги.	Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти
ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ МОДЕЛЛАРИ	
<p>Инвестиция шартномаси хорижий инвестор билан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вакили бўлган ҳукумат ўртасида тузилади.</p> <p>Изоҳ: инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати тугаши билан ёки уни муддатидан олдин бекор қилган тақдирда инвестор инвестиция объектига (активларига) эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолади.</p>	<p>Хусусий шерик (инвестор) ва давлат шериги ўртасида давлат-хусусий шериклик шартномаси тузилади.</p> <p>Хусусий инвесторга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида келишувга эришилган тақдирда, хусусий шерик билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакили бўлган ҳукумат ўртасида Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим тузилиши мумкин.</p> <p>Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг қуйидагилар орқали амалга оширилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Тендер; • Тўғридан-тўғри музокаралар (<i>Президентнинг Фармони/Қарори ёки Вазирлар</i>

	<p><i>Маҳкамасининг Қарори асосида).</i></p> <p>Изоҳ: Давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддати тугаши ёки унинг муддатидан олдин тугатилиши билан давлат-хусусий шериклик объектига эгалик қилиш одатда давлатга ёки Президент Фармониға мувофиқ хусусий шерикка ўтади.</p>
ЕР АЖРАТИШ	
<p>Ер ажратиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки Президент Фармониға мувофиқ бошқа орган (<i>масалан, Рақамли технологиялар вазирлиги</i>) орқали амалга оширилиши мумкин.</p>	<p>Ерни ижараға бериш шартномаси тегишли давлат идораси (<i>масалан, Рақамли технологиялар вазирлиги</i>) билан тузилиши керак.</p>
ЕР АЖРАТИШ МУДДАТИ	
<p>25 йилгача.</p>	<p>49 йилгача.</p>
ҚОНУНДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ КАФОЛАТЛАРИ	
<ul style="list-style-type: none"> • Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари; • Маблағларни бепул ўтказиш кафолатлари; • Инвестиция фаолиятини тугатиш муносабати билан хорижий инвестицияларни қайтариш кафолатлари; • Инвестор учун ноқулай қонунчиликдаги ўзгаришларға қарши кафолат; 	<ul style="list-style-type: none"> • Давлат-хусусий шериклик объекти мавжудлиги учун тўловнинг компенсацион ўсиши; • Фойдаланувчи тўлови объектининг мавжудлиги учун тўловнинг компенсацион ўсиши; • Бир мартали компенсация тўлови; • Давлат-хусусий шериклик тўғрисидадаги

- Шаффофлик ва очиклик кафолати;
- Инвестицияларни ҳимоя қилиш;
- Инвесторлар учун енг қулай бўлган қоидаларни қўллаш ҳуқуқи.

Инвестиция шартномасида бошқа (қўшимча) кафолатлар берилиши мумкин.

битимга тегишли ўзгаришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада бошқа (қўшимча) кафолатлар берилиши мумкин.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ФОЙДАЛИ ҲАВОЛАЛАР



**Давлат хусусий шериклик
лойиҳалари реестри**



**Кўп томонлама
инвестицияларни кафолатлаш
агентлигининг расмий
саҳифаси**



**Евроосиё тараққиёт банки
расмий саҳифаси**



**Ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш тизими**



**Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия
вазирлигининг расмий
веб-сайти**